

Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2025 йил октябрь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси А.Қуваталиев, судья ёрдамчиси С.Хабибуллаевнинг котиблигида, тарафлардан Жалақудуқ туман прокурор ёрдамчиси Х.Абдуманнопов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Бўстон тумани “RLS-ROYAL LEGAL SUPPORT” адвокатлик бюроси адвокати Х.Обидов, фуқаровий даъвогар [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] оид 1-1707-2501/173-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ туман судининг 2008 йил 12 март куни ҳукмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 189-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 190-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 209-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан, ЖКнинг 59-моддасига асосан, 1 йил муддатга муайян яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик белгиланган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 160 баравари миқдорида 1.987.200 сўм жарима жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ туман судининг 2009 йил 6 август кунги ажримига мувофиқ, ЖКнинг 44-моддасига асосан жарима жазоси, 3 ой 6 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини 2009 йил 25 ноябрь куни тўлиқ ўтаб бўлган, муайян яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқларидан маҳрум қилиш жазосини 2009 йил 15 апрель куни тўлиқ ўтаб бўлган;

2) жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ туман судининг 2014 йил 24 февраль кунги ҳукмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “в” банди,



184-моддасининг 3-қисми, 205-моддаси 2-қисмининг “а,б”в” бандлари, 209-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан, ЖКнинг 45,59-моддалари тартибида узил-кесил 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва 24.274.950 сўм жарима жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанциясининг 2016 йил 4 февраль кунги ажримига мувофиқ, суд ҳукми ўзгартирилиб, А.Мадалиев айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 184-моддасининг 3-қисми, 205-моддаси 2-қисмининг “б”в” бандлари, 209-моддаси 2-қисмининг “б” банди чиқарилиб, ЖК 205-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 2-банди татбиқ этилиб жазодан озод қилинган (ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик муддати тугалланган), давлат мукофотлари олмаган, партиясиз, депутатликка сайланмаган, “Ишонч замин кластери” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаган, ҳозирда ёшга доир нафақада,

яшайди, иш бўйича 2025 йил 31 июль куни “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки терговда ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга холисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [] Жалақудуқ туманида фаолият олиб борувчи, “Ишонч [] мансабдор шахс бўлгани ҳолда, “Агробанк” АТБ Жалақудуқ туман филиали томонидан 784.4 гектар ер майдонларига пахта



ҳосилини етиштириш учун 14 ой муддатга йиллик 10 фоиз устама тўлаш шарти билан “Ишонч замин кластер” МЧЖга ажратилган 8 млрд 898 млн 014 сўмлик имтиёзли кредит маблағларини жамият ҳисоб рақамига туширишига эришиб, кредит маблағлари ҳисобидан етиштирилиши лозим бўлган 784.4 гектар ер майдонларининг 48.5 гектар қисмига пахта чигитларини экмасдан, пул маблағларини пахта ҳосилини етиштиришга сарфламасдан, бошқа мақсадларда фойдаланиб, 21.02.2024 йилдан 30.08.2024 йилга қадар жамиятга тегишли полиз ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш мақсадида, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар сотиб олиш учун йўналтириб, ўзининг ихтиёрида бўлган 545.425.000 сўмлик жуда кўп миқдордаги кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига тўлиқ иқдор ва пушаймон бўлиб, терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни яъни, 2022 йилнинг октябрь ойидан 2024 йилнинг ноябрь ойига қадар “Ишонч Замин кластери” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келганини, туман ҳокимининг 2021 йилдаги қарорига асосан “Ишонч Замин кластери” МЧЖга 1.134 гектар ер майдонлари ажратиб берилганини, МЧЖ пахта-ғалла маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилганини, ерлардан асосан пахта-ғалла экинларини экиб фойдаланиб келинганини, МЧЖ томонидан 2024 йилда пахта режасига асосан 784.4 гектар ер майдонига чигит экилиши белгиланганини, МЧЖ томонидан 736.6 гектар ер майдонларига чигит экилганини, жорий йил пахта режасига асосан 740 гектар ер майдонларига чигит экилганини, лекин, туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан 784.43 гектар ер майдонларига чигит экиш режаси белгиланганини, режага асосан 1904.46 тонна пахта ҳосилини топшириш юклатилганини, МЧЖ томонидан 784.4 гектар ер майдонларига 1904 тонна ялпи ҳосил белгиланиб, туман “Агробанк” томонидан 8 млрд 912 млн. 800 сўмга кредит шартномаси имзоланганини, шундан жами бўлиб, 8 млрд 898 млн. 014 сўм туман “Агробанк” филиали томонидан кредит расмийлаштирилганини, март ойида 36.6 гектар ер майдонларига чигит экилган бўлса-да, чигитлар униб чиқиши сустлиги ва агротехник тадбирлар ўз вақтида қилинмаганлиги оқибатида, чигитлар униб чиқмаганини, май ойининг ўзида ер майдонлари фойдаланилмасдан қолинганини, туман АТБ “Агробанк” филиали ҳамда “Ишонч Замин кластери” МЧЖ ўртасида 21.02.2024 йилда шартнома тузилиб, шартномага асосан жамғармадан имтиёзли шартларда пахта ҳосилини етиштириш учун кредитлар олганини, кредитлар маблағлари ойма-ой жорий йилнинг август ойига қадар МЧЖ ҳисоб рақамига нефть маҳсулотлари учун 1 млрд 543 млн. сўм, минерал ўғит учун 5 млрд. 249 млн 450 минг сўм, биолабаратория учун 30 млн сўм, суғурта тўлови учун 267 млн 400 минг сўм, уруғлик чигит учун 236 млн 064 минг сўм, иш ҳақи учун 695 млн сўм, лизинг тўловлари учун 197 млн сўм механизация хизматлари учун 640 млн 200 минг сўм ҳамда ягона ер солиғи учун 40 млн сўм жами бўлиб 8 млрд 898 млн 014 сўм пул маблағлари ўтказиб берилганини, туман АТБ “Агробанк” ходимлари томонидан шартнома



тузилиш пайтида ер майдонларини бориб ўрганишганини, шундан сўнг, туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан бир-неча бор огоҳлантиришга қарамасдан униб чиқмаган ер майдонларига чигит экилмасдан полиз экинлари экилиб фойдаланиб келинганини, 13 гектар ер майдонига пиёз экилиб фойдаланилганини, аслида ушбу ер майдонига пахта етиштириш учун чигит экилиши лозим бўлганини, 36.6 гектар ер майдони фойдаланилмасдан қолинганлиги, туман агроинспекция томонидан ўтказилган хатлов давомида аниқланганини, Вазирлар Маҳкамасининг 25.12.2023 йилдаги 680-сонли Қарорининг 9-бандида пахта хом ашёсини етиштирувчилар ва уруғчилик хўжаликларининг пахта хом ашёсини етиштириш харажатларини кредитлаш учун 14 ой муддатга, шундан 12 ойлик имтиёзли давр билан, пахта хом ашёси қийматининг 60 фоизигача, йиллик 8 фоизда, кредит ресурсларини қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилиши ва ушбу берилган пул маблағлар айнан пахта ҳосилини етиштириш учун ажратилишидан хабари бўлганини, жамғарма томонидан пахта ҳосилини етиштириш ва пахта териш учун ажратилган имтиёзли кредитларни 48.5 га ер майдонларига тахминан 545 млн. сўмга яқин пул маблағларини асоссиз минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар олган ҳолда, пиёз ва бошқа экинлар етиштириш учун сарфлаб юборилганлиги тўғрилигини, ҳақиқатдан ҳам экилмаган ер майдонлари сувсиз бўлганлиги ва агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли, пахта етиштириш учун экилиши лозим бўлган чигитлар 36.6 гектар ер майдонларига экилмаганини, 24.06.2024 йил куни туман қишлоқ хўжалиги бўлими ва Агроинспекциянинг туман бўлими мутахассислари томонидан пахта ҳосилини етиштириш аҳволи ўрганилганини, шунда “Ишонч Замин кластери” МЧЖ томонидан 2024 йилда тақсимотга кўра, “Пахтакор” массивидаги 9-бригадада жойлашган 32 гектар ер майдонига экилиши лозим бўлган чигит экилмасдан 12.96 гектар ер майдонига пиёз экини экилганлиги, “Бештол” массивида жойлашган 9112, 9139 ва 9267 контурларидаги 32 гектар ер майдонларига чигит экилмасдан, бегона ўтлар чиққан ҳолда турганлиги аниқланганини, шунингдек, “Пахтакор” массиви ҳудудида жойлашган 4,5 гектар ер майдонларга ҳам чигит уруғлари экилмаганлиги, бегона ўтлар чиққан ҳолда қаровсиз турганлиги аниқланиб, ҳолат бўйича “Далолатномалар” расмийлаштирилганини, экин ер майдонига пахта ҳосили етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредит маблағлари бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар банк ички қонун ҳужжатлари талаблари асосида расмийлаштирилганини, аслида 36.6 гектар ер майдонларига экилмаган пахта чигити учун туман “Агробанк” АТБдан кредитлар олишни тўхтатмаганини, МЧЖга ажратилган имтиёзли кредит маблағларини экин ер майдонига экилган бошқа турдаги полиз экинлари етиштириш учун минерал ўғитлар сотиб олганини, банк ходимлари томонидан 2024 йилнинг август ойида жамиятига тегишли ер майдонига бориб кредитни мақсадли ишлатилиши текширилганда 48.5 гектар ер майдонларига пахта ҳосили экилмаганлиги, 36.6 гектар ер майдонлари бўш турганлиги, 13 гектар ер майдонларига эса 2023 йилнинг куз ойларида пиёз



экилиб, фойдаланиб келинганлиги аниқланганини, ҳозирда етказилган зарарлар ўрни тўлиқ қопланганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшга доир нафақада эканлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED], унинг жиноят содир этишдаги айби судда текширилган қўйидаги далиллар билан жумладан;

Фуқаровий даъвогар [REDACTED] суд мажлисида, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб қўйидагиларни, яъни Жалақудуқ туманида жойлашган “ [REDACTED]

[REDACTED] 25.12.2023 йилдаги “Пахта хом ашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини кредитлаш ҳамда уларни реализация қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 680-сонли Қарори асосида 21.02.2024 йилдаги 23176-сонли кредит шартномасига асосан “Агробанк” АТБ Жалақудуқ туман филиалидан 14 ой муддатга, йиллик 10 фоиз устама тўлаш шarti билан, пахта ҳосилини етиштириш учун, МЧЖга ажратилган 8 млрд 898 млн 014 сўм имтиёзли кредит маблағларини, МЧЖ ҳисоб рақамига тушириб, пул маблағларини 545 млн 425 минг сўмини пахта ҳосилини етиштиришга сарфламасдан, 21.02.2024 йилдан 30.08.2024 йилга қадар полиз ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш мақсадида, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар сотиб олиш учун йўналтириб, 545 млн 425 минг сўмлик кредит маблағларини ўзлаштирганлиги текширув давомида аниқланганини, ҳозирда етказилган зарарлар ўрни тўлиқ қопланганлиги сабабли, [REDACTED] нисбатан даъво йўқлигини баён қилиб берган кўрсатуви;

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қўйидагиларни яъни унга Жалақудуқ туманидан давлат рўйхатидан ўтган “Ишонч замин кластери” МЧЖ томонидан олинган кредит маблағлари эвазига фаолияти давомида солиқ қонунларига риоя этилиши ҳамда солиқ идораларига юклатилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари талабларига риоя этилиши ва қарорда белгиланган саволлар бўйича молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ҳужжатли солиқ аудити ўтказиш юклатилганини, солиқ аудит давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.12.2023 йилдаги “Пахта хом ашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини кредитлаш ҳамда уларни реализация қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 680-сонли Қарори асосида “Агробанк” Жалақудуқ филиали ҳамда МЧЖ ўртасида 2024 йил 21 февраль кунги Р27411/24-сонли шартнома тузилиб, шартномага асосан жамиятнинг “Агробанк” Жалақудуқ филиалидаги 14301000405334466024-сонли кредит ҳисоб рақамига анкета 39106-га асосан 8898014,0 минг сўм кредит маблағлари олингани, шундан, “Махкамхојі DDD” МЧЖга 3424450,0 минг сўм минерал ўғитлар олиш учун пул маблағлари ўтказилиб, эвазига қиймати 3434234,2 минг сўмлик минерал ўғитлар олингани, “Хом ашё



биржаси”га 1825000,0 минг сўм пул маблағлари ўтказилиб, эвазига қиймати 1821313,0 минг сўмлик минерал ўғитлар олингани ҳамда биржа харажатлари учун 3687,0 минг сўм сарфлангани, “Андижон нефть база” корхонасига 1543000,0 минг сўм ёнилғи мойлаш маҳсулотлари олиш учун ўтказилиб, эвазига қиймати 1543000,0 минг сўмлик минерал нефть маҳсулотлари олингани, “Малика будур” фермер хўжалигига 640200,0 минг сўм техника хизмати учун пул маблағлари ўтказиб берилиши эвазига 564338,1 минг сўмлик техника хизмати кўрсатилгани, қолган 75861,9 сўми кредитор қарздорлик қоплагани, “Арех Insurance” акциядорлик жамиятига 267400,0 минг сўм суғурта тўлови учун ўтказилиб, эвазига 324798,9 минг сўм кредит суғуртаси қилингани, “Ўзагролизинг” корхонасига 187000,0 минг сўм лизинг тўловлари учун ўтказилиб, “Ўзагролизинг” корхонасидан 2024 йил 10 ноябрь куни олинган “ҳайдов трактор” учун тўлангани, “1-Agrobereke” МЧЖга 58464,0 минг сўм уруғлик чигит олиш учун ўтказилиб, эвазига 58464,0 минг сўмлик уруғлик чигит олингани, “Tian Ye Plastik” МЧЖга 97500,0 минг сўм уруғлик чигит олиш учун ўтказилиб, эвазига 97500,0 минг сўмлик уруғлик чигит олингани, “Andijon paxta urug'chiligi” МЧЖга 50000,0 минг сўм уруғлик чигит олиш учун ва “Alyorteks” МЧЖга 30000,0 минг сўм уруғлик чигит олиш учун ўтказилиб, эвазига 82600,0 минг сўмлик уруғлик чигитлар олингани, “Савдо бизнес ҳамкори 2020” МЧЖга 30000,0 минг сўм кимёвий маҳсулотлар олиш учун ўтказилиб, эвазига 33000,0 минг сўмлик кимёвий маҳсулотлар олингани, “Hsm-Asia Leasing” МЧЖга 10000,0 минг сўм лизинг тўлови учун ўтказилгани, ушбу тўлов “Hsm-Asia Leasing” МЧЖ томонидан 2022 йил 31 март куни лизингга олинган 1 дона дискли баранани тўлови учун ўтказилгани, ер солиғи учун 40000,0 минг сўм пул маблағи тўлангани, жамият томонидан ажратилган кредит маблағидан 695000,0 минг сўм иш ҳақи учун нақд пул маблағлари олиниб, тўлов ведомостлари орқали ишчи ва хизматчиларга иш ҳақлари берилгани, солиқ аудитида олинган кредит суммасидан 2024 йил 19 декабрь куни 933426,7 минг сўм, 2025 йил 7 февраль куни 956596,9 минг сўм, 2025 йил 12 февраль куни 262861,1 минг сўм, жами 2152884,7 минг сўм, 2152884,7 минг сўми банкка қайтарилганлиги аниқланганини, шунингдек, жамият томонидан тақдим этилган ҳисобвароқ-фактурага асосан 2024 йилда қиймати 14230776,1 минг сўмлик соф вазни (кондитцион ҳисобий вазни) 1852,043 килограмм пахта етиштирилиб, “Oltin mato-grup” МЧЖга сотилгани, пахта ҳосили қийматидан 1524726,0 минг сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисоботи электрон тартибда Андижон вилоят солиқ бошқармасига тақдим этилгани, иш ҳақлари учун 2024 йилда ягона ижтимоий тўлов ҳамда даромад солиғи учун ҳисоботлар тақдим этилгани, 2024 йил пахта ҳосили учун ажратилган 784,4 гектар ер майдонидан 736,4 гектар ер майдонига пахта ҳосили учун чигит экилгани, қолган 48,0 гектар ер майдонига 2024 йил пахта ҳосили учун чигит экилмагани сабабли, 8898014,0 минг сўм кредит суммасидан 545425,0 минг сўм кредит маблағлари мақсадсиз сарфлангани, мақсадсиз сарфланган 545425,0 минг сўм пул маблағлари жамиятга тегишли бўлган пиёз ва бошоқли донларни етиштирилишига



сарфлаб юборгани аниқланганини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.12.2023 йилдаги “Пахта хом ашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими ҳаражатларини кредитлаш ҳамда уларни реализация қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 680-сонли Қарори асосида 21.02.2024 йилдаги 23176-сонли кредит шартномасига асосан “Агробанк” АТБ Жалақудуқ туман филиалидан “Ишонч замин кластер” МЧЖга 14 ой муддатга йиллик 10 фоиз устама тўлаш шарти билан пахта ҳосилини етиштириш учун 8 млрд 898 млн. 014 сўмлик ажратилган имтиёзли кредит маблағларини МЧЖ ҳисоб рақамига туширишга эришиб, кредит маблағлари ҳисобидан етиштирилиши лозим бўлган 784.4 гектар ер майдонларининг 48.5 га ер майдонларига пахта уруғларини экмасдан ушбу пул маблағларини пахта ҳосилини етиштиришга сарфламасдан 21.02.2024 йилдан 30.08.2024 йилга қадар МЧЖга тегишли полиз ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш мақсадида минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар сотиб олиш учун йўналтириб, ўзининг ихтиёрида бўлган 545 млн. 425 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги кредит маблағларини ўзлаштириб юборгани аниқлангани, бундан ташқари, “Агробанк” АТБ Жалақудуқ туман филиали томонидан 17.06.2025 йилда Хўжаобод туманлараро иқтисодий судига “Ишонч Замин кластери” МЧЖ томонидан шартнома шартларини бажармаганлиги ҳамда мақсадсиз сарфлаганлиги сабабли шартномани бекор қилиш тўғрисида судга даъво аризаси киритилиб, Хўжаобод туманлараро иқтисодий суди томонидан даъво аризаси қаноатлантирилгани, ҳозирда мақсадсиз сарфланган 545.5 млн. сўм пул маблағлари вилоят прокуратураси ҳисоб рақамига тўланганлигини баён қилиб берган кўрсатуви;

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни яъни, 2022 йил ноябрь ойидан ҳозирги кунга қадар “Агробанк” АТБ Жалақудуқ туман филиали қишлоқ хўжалиги корхоналарга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келишини, хизмат вазифаларига қишлоқ хўжалик корхоналарига кредитлар бериш, кредитларни ўз вақтида сўндириш, мақсадли ишлатилганлиги бўйича мунтазам равишда назорат қилиш ҳамда пахта ва ғалла имтиёзли кредитларни мақсадли сарфланишини текшириб бориш ва бошқа меҳнат шартномада кўрсатилган вазифаларни амалга оширишдан иборатлигини, ҳақиқатдан ҳам ишлаган даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.12.2023 йилги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-205-сонли Фармонга асосан туманда имтиёзли кредит ажратиш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилганини, хусусан, 02.08.2023 йилдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор рақамли технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президентнинг ПҚ-257-сонли Қарорининг 1 қисми “а” бандида, 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги Вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси таркибида пахта, бошоқли дон, мева-сабзавотлар етиштириш учун имтиёзли кредит ажратиш жараёнларини рақамлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари



етиштирувчиларга шаффофлик тамойили асосида хизмат кўрсатиш учун “Агроплатформа” ахборот тизими жорий этилиши, 4-қисмида эса, қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда Кадастр агентлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда 2023 йил 1 октябрга қадар “Агроплатформа” ахборот тизимида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириши белгиланганини, шунингдек, юқоридаги ПФ-205-сонли Фармонга кўра, 2024 йил пахта ва ғалла ҳосилини молиялаштириш “Агроплатформа” АТ орқали амалга оширилиши белгиланганини, ўрганишда, 2024 йил ҳосили учун пахта экилиши режалаштирилган пахта майдони “CropAgro” ахборот тизимига киритилганини, тумандаги фермер хўжаликлари ва кластер корхонаси ғўза майдонларида, ғўза парвариши билан боғлиқ ишлар назоратдан четда қолиши оқибатида ғўза униб чиқиши қониқарсиз аҳволга келганини, тумандаги “Ишонч замин кластери” МЧЖ томонидан жорий йил режага асосан 784.4 гектар ер майдонларидан, 3.947 тонна пахта ҳосилини олиш режалаштирилганини, бироқ, “Ишонч Замин кластери” МЧЖ раҳбари томонидан режага асосан 48.5 гектар ер майдонларига чигит уруғлари экилмасдан, 36.5 гектар ер майдонларига пахта ҳосилини сифатсиз экканлиги сабабли, униб чиқмагани, туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан бир-неча бор огоҳлантиришга қарамасдан униб чиқмаган ер майдонларига чигит экилмасдан полиз экинлари экиб фойдаланиб келингани, МЧЖ 2024 йил март ойида 36.5 гектар ер майдонларига чигит эккан бўлса-да, чигитлар униб чиқиши сустилиги ва агротехник тадбирлар ўз вақтида қилинмаганлиги оқибатида, чигитлар униб чиқмагани ҳамда май ойининг ўзида ер майдонлари фойдаланилмасдан қолингани, туман АТБ “Агробанк” филиали ҳамда “Ишонч Замин кластери” МЧЖ ўртасида 21.02.2024 йилда шартнома тузилиб, шартномага асосан жамғармадан имтиёзли шартларда пахта ҳосилини етиштириш учун кредитлар ажратилгани, кредит ойма-ой жорий йилнинг август ойига қадар, нефть маҳсулотлари учун 1 млрд 543 млн сўм, минерал ўғит учун 5 млрд 249 млн. 450 минг сўм, биолобаратория учун 30 млн сўм, суғурта тўлови учун 267 млн. 400 минг сўм, уруғлик чигит учун 236 млн 064 минг сўм, иш ҳақи учун 695 млн сўм, лизинг тўловлари учун 197 млн сўм механизация хизматлари учун 640 млн 200 минг сўм, ягона ер солиғи учун 40 млн сўм, жами 8 млрд 898 млн 014 сўм пул маблағлари ажратилганини, “Ишонч Замин кластери” МЧЖ томонидан аслида 736 гектар ер майдонларига пахта экилиши белгиланган бўлса-да, 36.5 гектар ер майдонларига пахта чигитлари экилишига қарамай, пахта уруғлари униб чиқмагани ҳамда 13 гектар ер майдонига пиёз экилиб фойдаланилганлиги аниқланганини, туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан 2024 йил апрель ойида мониторинг ўтказилганида, чигит экилиши лозим бўлган 149 гектар ер майдонларига чигит экилмаганлиги аниқланганини, шундан 113 га ер майдонига қайта чигит экилиши таъминланган бўлса-да, 36.5 гектар ер майдонларига чигит экиш ишлари бажарилмаганини, агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилмаганлиги сабабли, пахта уруғи униб



чиқмаганини, пахта режасига асосан экилиши лозим бўлган 13 га ер майдонларига 2023 йил куз ойларида пиёз экини экилиб, фойдаланиб келинганлиги натижасида, 2024 йил август ойларида пиёз ҳосилини йиғиштириб олинганини, 2024 йил январь ойларида МЧЖ раҳбарига ёзма ва оғзаки огоҳлантириш беришларига қарамасдан ўзбошимчалик билан экиб олинган, пиёз экинларини бузиб бартараф этиш чоралари кўрмаганини, туман қишлоқ хўжалиги бўлими, ҳамда туман ҳокими томонидан “ [REDACTED]

[REDACTED] режасини тасдиқлаб қўйилган бўлиб, режага асосан 1904.46 тонна пахта ҳосилини топшириш белгиланганини, МЧЖ томонидан 784.4 гектар ер майдонларига 1.904 тонна ялпи ҳосил белгиланиб, туман “Агробанк” томонидан 8 млрд 912 млн 800 сўмга кредит шартномаси тузилганини, шундан жами бўлиб, 8 млрд 898 млн. 014 сўм туман “Агробанк” филиали томонидан кредит расмийлаштирилиб берилганини, туман АТБ “Агробанк” филиали томонидан 29.08.2024 йил куни жорий мониторинг учун жойига бориб ўрганилганда ҳам, “Ишонч Замин кластери” МЧЖ раҳбари томонидан ўзига тегишли ер майдонларига 48.5 гектар ер майдонларига пахта навларини экмасдан полиз экинларини экиб фойдаланиб келинганлиги аниқланганини, оқибатда 545.4 млн сўм маблағлари шахсий эҳтиёжлар учун ишлатиб юборилгани маълум бўлганини, сентябрь ойдан буён фермер хўжалигига пахта имтиёзли кредитларни чиқариш тўхтатилиб, мақсадсиз ишлатган пул маблағларини қайтариш чоралари кўрилиб, шартнома бекор қилинганлиги, ажратилган кредит маблағларидан бирор манфаатдорлик кўрмаганини баён қилиб берган кўрсатуви;

Тарафларнинг розилиги билан суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ [REDACTED] дастлабки терговда берган кўрсатувлари;

Шунингдек, “Агробанк” АТБ туман филиалининг далолатномаси, Марказий банк мутахассиси [REDACTED] тафтиш якуни бўйича хулосаси, Департаментнинг Андижон вилояти бошқармаси мутахассиси ҳамда вилоят ДСБ мутахассисларининг тафтиш хулосалари, хизмат текшируви якуни хулосаси, дастлабки тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд объектив, мақбул далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиғини топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори 5-бандининг 2-хатбошида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”, деб берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчиларнинг қилмишини квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, судланувчи [REDACTED] “Агробанк” АТБ Жалақудуқ туман филиали томонидан 784.4 гектар ер майдонларига пахта ҳосилини етиштириш учун 14 ой муддатга йиллик 10 фоиз устама тўлаш шарти билан “Ишонч замин кластер” МЧЖга ажратилган 8 млрд 898 млн 014 сўмлик



имтиёзли кредит маблағларини жамият ҳисоб рақамига туширишига эришиб, кредит маблағлари ҳисобидан етиштирилиши лозим бўлган 784.4 гектар ер майдонларининг 48.5 гектар қисмига пахта чигитларини экмасдан, пул маблағларини пахта ҳосилини етиштиришга сарфламасдан, бошқа мақсадларда фойдаланиб, 21.02.2024 йилдан 30.08.2024 йилга қадар жамиятга тегишли полиз ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш мақсадида, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар сотиб олиш учун йўналтириб, ўзининг ихтиёрида бўлган 545.425.000 сўмлик жуда кўп миқдордаги кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги;

8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддасининг 2-қисмида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини ҳамда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиниши кераклиги;

167-моддасининг 4-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш



шартлиги, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги Қарорининг 6-бандида судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 1-бандида судлар эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги ролини, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар



томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) 45-бандида Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозими ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги тўғрисида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тайинлашда айбига иқроп ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшга доир нафақада эканлигини, жиноят оқибатида етказилган зарар ихтиёрий қопланганлигини, унга нисбатан даъво йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, айтилиши вақтда жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар деб эътироф этиб, жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атворини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган энг кам жарима миқдоридан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни, ЖКнинг 13-моддасига асосан жарима жазосини жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган (340.000 сўм) базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгилашни, жаримани тегишли тартибда давлат фойдасига ундиришни белгилашни, ЖК 45-моддасининг 5-қисми талабларидан келиб чиқиб, у тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганини инобатга олиб, унга нисбатан қўшимча жазо тайинламасликни;

-ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, [REDACTED] нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини бекор қилишни, “гаров” эҳтиёт чораси учун Андижон вилоят прокуратурасининг Андижон шаҳар “Ипотекабанк” АТИБ Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 8.000.000 сўм пул маблағларини [REDACTED] қайтаришни;

-жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш учун Андижон вилоят прокуратурасининг Андижон шаҳар “Ипотекабанк” АТИБ Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 545.425.000 сўм пул маблағларини “Агробанк” АТБ Жалақудуқ туман филиали ҳисоб рақамига йўналтиришни;



-жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар ўрни тўлиқ қоплангани ва фуқаровий даъвогар [REDACTED] судланувчи [REDACTED] нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни;

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилиб, нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида эътироф этиш ва ишга қўшиш ҳақидаги 2025 йил 31 июль кунги қарорда номлари кўрсатилган ҳужжатларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақланишини белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 (бир юз эллик) баравари миқдорида, яъни 51.000.000 (эллик бир миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима белгиланган тартибда давлат фойдасига ундирилсин.

[REDACTED] нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин, “гаров” эҳтиёт чораси учун Андижон вилоят прокуратурасининг Андижон шаҳар “Ипотекабанк” АТИБ Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 8.000.000 сўм пул маблағлари гаров қўювчи [REDACTED] қайтарилсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш учун Андижон вилоят прокуратурасининг Андижон шаҳар “Ипотекабанк” АТИБ Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 545.425.000 сўм пул маблағлари “Агробанк” АТБ Жалақудуқ туман филиали ҳисоб рақамига йўналтирилсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар ўрни тўлиқ қоплангани ва фуқаровий даъвогар [REDACTED] судланувчи [REDACTED] нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида эътироф этиш ва ишга қўшиш ҳақидаги 2025 йил 31 июль кунги қарорда номлари кўрсатилган ҳужжатлар, жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан 10 сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи
Ҳукми нусхаси асалига тўғри

/имзо/

А.Қуваталиев



Хужжат имзоланган: Қуваталиев Азамат Кимсанбоевич, 28.10.2025

